Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 18 декабрь, шанба    № 242—243 (21.594). Сотувда эркин нархда.


## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ЖХДРнинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Бенамер Моҳанд Аклини қабул қилаётган пайт.
Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 декабрь куни Словакия Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Роман Палданни қабул қилди.**

Элчи жаноблари Президентга ишонч ёрлиғини топширар экан, Словакиянинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси сифатида фаолият бошлашига имконият яратиб бергани учун республика Президентига миннатдорлик изҳор этди.

— Мустақиллик ҳамда тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган Словакия халқига азалдан ҳурматимиз баланд ва биз дўстона муносабатларни кучайтириш тарафдоримиз, — деди Ислом Каримов Роман Палданни шарафли ва масъулиятли лавозим билан қутлаб. — Сизнинг халқаро дипломатия борасидаги бой тажрибангиз мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини фаоллаштиришга ёрдам беради, деб умид қиламан.

**Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Жазоир Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Бенамер Моҳанд Аклини ҳам қабул қилди.**

Моҳанд Акли жаноблари Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топшириш баробарида Жазоир Халқ Демократик Республикаси Давлат Олий Кенгаши ва ҳукумати раҳбарларининг қизғин саломини етказди.

Ўзбекистон Президенти Жазоир раҳбариятининг икки давлат ўртасидаги алоқалар равнақига аҳамият бераётгани эътиборга сазовор эканини таъкидлади.

— Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашдек шарафли вазифани бажаришда сизга муваффақият тилайман, — деди Ислом Каримов.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Саидмухтор Саидқосимов қатнашди.

(ЎзА).

## ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

**Қаршида вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котиблари, вилоят ташкилотларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари, зиёлилар уюшмаси вакиллари қатнашдилар.**

Фаоллар йиғинида Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати» номли нутқида баён этилган қоида ва хулосалар муҳокама қилинди. Бу тўғрида Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Фармон Омонов маърузаси тингланди.

Маърузачи юртбошимиз нутқидан келиб чиқиб, йил якунлари ва режаларга тўхталди.

Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 15 фоизга ошди. 1992 йилга қараганда 40 минг тонна кўп пахта тайёрланди.

Нотиқ эришилган муваффақиятларга танқидий кўз билан қараш кераклигини таъкидлаб, айрим жойларда ислоҳотлар юзаки эканлигини, баъзи раҳбарлар уни тўла тушуниб етмаётганлигини таъкидлади.

Фаоллар йиғилишида вилоят ҳокимининг ўринбосари Р. Раҳмонов, вилоят фахрийлари кенгаши раиси С. Усмоновлар сўзга чиқди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Мусо КАРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» —75 ЁШДА. ЮБИЛЕЙГА МАРҲАМАТ!

**1918 йил июнида «Иштирокиюн» номи билан дунёга келиб, 1920 йилдан «Қизил байроқ», 1923 йилдан «Туркистон», 1924 йилдан «Қизил Ўзбекистон», 1964 йилдан «Совет Ўзбекистони» номлари билан чиққан ва Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинган 1991 йил 1 сентябрдан бошлаб «Ўзбекистон овози» номи билан чоп этилаётган газетамиз 75 ёшга тўлди.**

**Айни пайтда «Ўзбекистон овози» газетаси Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги республикамиз раҳбариятининг изчил ички ва ташқи сиёсатини, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳот моҳиятини, Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг фаолиятини ёритиш билан бирга истиқлол туфайли жило топаётган миллий қадриятларимизни, бой маънавий меросимизни тарғиб этиб келмоқда. Ўз вақтида 1 миллион нусхага яқин тиражда чоп этилган газетада Акмал Икромов, Шароф Рашидов, Сулаймон Азимов, Сиддиқ Ражабов, Иброҳим Раҳим, Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев каби кўплаб йирик давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, ёзувчилар ишлашган. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Миртемир, Мақсуд Шайхзода каби мумтоз ёзувчиларнинг асарлари унинг саҳифаларида илк бор эълон қилинган.**

**Газета ижодий жамоасининг кўп йиллик самарали ишлари Меҳнат Қизил Байроқ ордени, қатор Фахрий ёрлиқлар билан, энг яхши журналистларнинг меҳнати эса фахрий унвонлар, совринлар билан тақдирланган.**

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг махсус қарори билан газетанинг 75 йиллик байрамини нишонлашга қарор қилинди.**

Юбилей тантаналари 1993 йилнинг 23 декабрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биносининг (Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 9-уй) Катта мажлислар залида бошланади.

Газетада ишлаб кетган барча ҳамкасб—қаламкашларни байрам тантаналари ва ошга таклиф этамиз.

Шу куни «Ўзбекистон овози» газетасининг ижодий жамоаси билан учрашишингиз, газетанинг 75 йил давомида босиб ўтган шонли йўлини акс эттирувчи сурат—лавҳа-стендлар билан танишишингиз, Ўзбекистон санъат усталари иштирокида бериладиган концертни томоша қилишингиз, байрам дастурхони атрофида ёру-дўстлар билан чақчақлашишингиз мумкин.

Биз Сизларни кутамиз, азиз ҳамкасблар!

**ЮБИЛЕЙ КОМИССИЯСИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.**

## *Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг қарори*

## ЎЗБЕКИСТОН ХДП БЕКТЕМИР ТУМАНИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИ ВА АҲОЛИ ЯШАШ ЖОЙЛАРИДА ОЛИБ БОРАЁТГАН ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси ўз қарорида Ўзбекистон ХДП Бектемир тумани ташкилотининг кўп миллатли аҳолининг турли қатламлари ўртасида, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда партиямизнинг дастурий ғояларини тарғиб этишга, Президент И. А. Каримов бошчилигидаги республикамиз раҳбариятининг халқчил ички ва ташқи сиёсатини тушунтиришга алоҳида эътибор бераётганлигини қайд этди. Туман партия кенгаши бу ишни ташкил этишда ўзининг жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи мафкуравий комиссияси, ижтимоий-сиёсий маркази ва тарғиботчилар гуруҳларига таянмоқда, ҳокимият идоралари ва жамоат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Муайян корхона, ташкилот, маҳаллаларга бириктириб қўйилган, маҳаллий далил ва маълумотлар билан вақтида таъминланиб турилган тажрибали тарғиботчилар жойларда учрашувлар, суҳбатлар, савол-жавоб кечаларини мунтазам ўтказиб, уларда партиямизнинг сиёсатини, Президентимизнинг рисолалари, нутқ ва маърузаларида баён этилган қоидаларни тарғиб этиб, уларнинг моҳиятини тушунтирмоқдалар.

Тарғибот ва ташвиқот ишларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан амалий ишларга боғлиқ эканлигидан келиб чиқиб, партия ташкилотлари аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялаш масалалари билан фаол шуғулланмоқда. Партия кенгаши ташаббуси билан тузилган «Саховат» хайр-эҳсон ва саломатлик жамғармаси эҳтиёжмандлар ҳисобини олиб, уларга моддий ва тиббий мадад кўрсатмоқда. Жамғарма ҳозиргача 140 дан зиёд хайр-эҳсон тадбирларини ўтказиб, ногиронлар, ёлғиз кексалар, кўп болали оилаларга бир неча миллион сўм миқдорида ёрдам тарқатди. Масалан, Наврўз байрами арафасида шундай хайриялардан тумандаги 500 га яқин ногирон ва кам таъминланган оила баҳраманд бўлди. 15 нафар фахрийнинг ҳар бирига 10 минг сўмдан пул берилди. Мустақилликнинг икки йиллиги муносабати билан эҳтиёжманд кишиларга тарқатилган моддий ёрдам 1,5 млн. сўмга тенг бўлди. Болаларни ҳимоя қилиш, кексалар ва ногиронлар халқаро кунларида ҳам туманда ана шундай тадбирлар ўтказиш яхши одат бўлиб қолди.

Бектемирда умумдавлат байрамлари, халқ сайллари, оммавий томошаларни ташкил этиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Туман ҳокимлиги, партия кенгаши, корхона ва ташкилотларнинг маъмурияти, жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигида ўтказилган кўп минг кишилик тадбирлар (ҳашарлар, савдо ярмаркалари, бадиий ҳаваскорлик дасталарининг кўриклари, спорт мусобақалари, байрам кечалари ва ҳоказо) одамларга яхши кайфият бахш этиши, уларни бирлаштиришга хизмат қилиши билан бир қаторда Ўзбекистон ХДП ғоялари халқчил эканлигини, партиямизнинг сўзи билан иши бирлигини намойиш этиш имконини туғдирмоқда.

ХДП туман кенгаши русларнинг «Масленица», татарларнинг «Сабан тўй», уйғурларнинг «Санъат сайли», корейсларнинг Янги йил ва «Чусок» каби бошқа байрамларини ўтказишда, миллий урф-одат, маданият ва анъаналарни тарғиб этишда миллий-маданий марказларга яқиндан кўмаклашмоқда. Буларнинг ҳаммаси туманда тинчлик ва барқарорликни, шу ерда истиқомат қилувчи турли миллат ва элат вакилларининг иноқлигини, бир оила бўлиб аҳил яшашини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Бектемир партия ташкилоти Марказий Кенгаш VIII пленуми кўрсатмаларига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлажак сайловларга тайёргарликни ҳам бошлаб юборди. Партия кенгаши ижроия бюроси сайловолди ишлари режасини тасдиқлади. Барча маҳаллаларда тузилган партия ташкилотлари олдига аниқ вазифалар қўйилди. «Олий Мажлисга сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бошланғич партия ташкилотларида муҳокама этилди. Муҳокама жараёнида тушган 40 дан зиёд таклифлардан 27 таси республика Олий Кенгашининг комиссиясига юборилди.

Туман партия кенгаши оммавий ахборот воситалари билан яхши алоқалар ўрнатди, қилинаётган ишлар, ўтказилаётган тадбирлар ҳақида газеталарда, туман ойлик хабарномасида мақола ва хабарлар бериб боришни йўлга қўйди. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига туман фуқароларини обуна этиш ишига бош-қош бўлди.

Бектемир туман партия кенгаши котибларининг туман ҳокимлиги раҳбарияти билан амалий ҳамкорлик ўрнатганликлари, барча оммавий-сиёсий тадбирларни корхона, ташкилот ва идораларнинг саркорлари, маҳалла оқсоқоллари ва бошқа фаоллар билан биргаликда ўтказаётганликлари, партиямиз аъзоларининг ҳамиша халқ орасида бўлиб, одамлар ҳол-аҳволидан хабар олиб туришлари диққатга сазовордир.

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми Бектемир туман партия ташкилотининг оммавий-сиёсий ишлар соҳасида тўплаган тажрибасини маъқуллаб, барча партия ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлажак сайловларга тайёргарлик жараёнида ҳамда фуқароларда, хусусан, ёшларда мамлакатимизнинг барча миллат ва элатлари учун Ўзбекистон муштарак хонадон, ягона Ватандир, деган туйғуни шакллантиришда ундан фойдаланишни тавсия этади.

## ҚАДАМИНГ МУБОРАК, «ДИЙДОР»!




Қардош Жанубий Қозоғистон вилояти Ёзувчилар уюшмасининг овози бўлмиш янги газета — «Дийдор»нинг илк нусхаси муштарийлар қўлига тегди. Газета «Ёзувчилар рўзномаси — халқнинг рўзномаси» сарлавҳаси остидаги Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг Жанубий Қозоғистон вилоят бўлими табрик сўзи билан очилади.

Чунончи, бу табрикда шундай дейилади: «Ҳаётимизнинг ажралмас бир қисми бўлган адабиётимиз билан маданиятимизнинг келажаги учун заҳмат чекаётган санъат эгаларининг ички-сиртқи дийдори, уларнинг ижодлари, шу орқали туркий халқларнинг маънавияти ўз ифодасини топади. «Илдизи бир туркийлармиз» сўзининг исботи ўлароқ рўзнома шу халқнинг бирлиги, иттифоқи, ҳамкорлиги йўлида оғишмай ҳаракат қилишидир. Вилоятимизда яшовчи туркий халқлар оз эмас. Бош масала, маънавий бирлик бўлганликда. Рўзнома ҳозирча қозоқ ва ўзбек тилларида чиқарилмоқда.

Рўзнома фақат туркий халқларнинггина эмас, балки вилоятда яшовчи барча миллат вакилларининг маънавият хазинасига айланса нур устига нур бўлади. Нима бўлганда ҳам «Дийдор» халқлар дўстлиги йўлида қўлидан келган барча ишларни бажаради, деб умид қиламиз. Газетанинг биринчи саҳифасида Марказий Осиёдаги мустақил давлатларнинг Президентлари сурати акс этган лавҳа берилган. Шунингдек, биринчи саҳифадан Чимкент масжиди бош имом-хатиби ҳожи Шукрулло Муҳаммаджон ўғли, «Дўстлик байроғи» таҳририяти ва бошқа кишиларнинг табриклари чоп этилган. Газетанинг иккинчи саҳифасида ҳам бир-биридан чиройли ва ўқимишли мақолаларга кўзингиз тушади. «Дийдор»нинг учинчи саҳифасида бугунги кунда мустақиллик илҳоми билан ижод қилаётган Жанубий қозоғистонлик шоир ва ёзувчиларнинг асарларидан намуналар берилган.

«Дийдор»нинг тўртинчи бетида шоир Эрназар Рўзиматов шеърларидан намуналар ўқийсиз. Унинг 60 йиллик қутлуғ ёши муносабати билан ижодий фаолиятига бағишланган туркум материаллар берилган.

Ўйлаймизки, илдизи бир туркий халқлар ўртасидаги дўстликни, миллий алоқаларни ривожлантиришда «Дийдор» ҳамиша дийдор бўлиб қолади.

**ТАҲРИРИЯТ.**

**Янгиликлар Воқеалар Хабарлар**




● Ҳамкорлик

### ФОЙДАЛИ ШАРТНОМА

**Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Олмония ривожланиш банки ўртасида Ўзбекистон Олмония ривожланиш банки томонидан 200 миллион олмон маркаси миқдорида сармоя қарзи берилиши ҳақида банклараро шартнома имзоланди.**

Илгари мазкур банк томонидан 100 миллион олмон маркаси миқдорида қарз берилиши ҳақидаги шартнома имзоланган эди. Қарз миқдорининг кўпайиши Олмония тарафидан Ўзбекистон Республикаси ички сиёсий вазияти, ҳукумат иқтисодий сиёсати, табиат, саноат, маънавий имкониятлар ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар динамикаси ўрганилиши асосида қарз қайтариш имкониятларининг юқори баҳоланиши натижасидир.

● Транспорт

### ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР КЎПАЯДИ

**Республика Киночилар уйида Венгриянинг машҳур «Могюрт» фирмаси ваколатхонасининг таништириш маросими бўлди.**

40 йилча аввал ташкил этилган бу фирма асосан ҳаммага маълум «Икарус» автобусларини сотиш билан шуғулланади. Бутун фаолияти давомида фирма олдин собиқ СССРга, кейинчалик МДҲ мамлакатларига 100 мингдан ортиқ автобус ҳамда эҳтиёт қисмлар сотган. Булардан анча қисмини Ўзбекистон олган. «Могюрт» ҳозирги янги иқтисодий шароитда ҳам республикамиз билан ҳамкорликни давом эттирмоқчи. Шу боис, Лос-Анжелес. Вена, Қоҳира, Прага, Варшава, Москва, Санкт-Петербург, Минск сингари шаҳарларда ваколатхоналари бўлган фирма раҳбарияти Тошкентда ҳам ўз ваколатхонасини очишни лозим топди.

● Ҳазрати инсон

### ЕТИМ БОЛАЛАР БОШИНИ СИЛАБ

**Кармана шаҳрида истиқомат қилувчи Мунаввар Пардаева ўзининг 4 фарзанди ёнига қаровчисини йўқотган 14 болани олиб тарбияламоқда.**

Болажон онанинг бу олийжаноблигини вилоят ҳокимлиги муносиб тақдирлади. 20 кишилик аҳил оилага Навоий шаҳрининг Гулистон посёлкасидан қўшқаватли, 5 хонали қулай ва шинам коттеж ажратиб берилди.

● Хотира

### БЕХАТО НИШОНЛАР

**Кеча Тошкентда спортнинг эндигина оммавийлашиб келаётган турларидан бири — дартс бўйича иккинчи халқаро мусобақа бошланди.**

Маълумки, бундай мусобақада спортчилар кичик найзачаларни нишон-халқалар ўртасига маълум масофадан туриб бехато уришга ҳаракат қиладилар. Мусобақа баҳсни ташкил этишда ҳомийлик қилишга аҳд қилган, лекин ўзи бевақт дунёдан кўз юмган «Тошинтерм» қўшма корхонасининг собиқ бош директори Мирза Султонов хотирасига бағишланди. Ғолиблар эртага Киночилар уйида ўтказиладиган ҳал қилувчи ўйинлардан кейин аниқланади.

● Халқаро алоқалар

### ОСИЁ ЎЙИНЧИЛАРНИ ЧОРЛАГАНДА

**Бўлажак Осиё ўйинларида мамлакатимизнинг юз нафар спортчиси иштирок этиши мўлжалланмоқда.**

Осиё олимпиада кенгашининг XII ассамблеясида ана шундай қарор қабул қилинди. Февраль-март ойларида бу рақамни яна кўпайтириб, спорт делегациямиз аъзоларини 235 кишига етказилиши кутилмоқда. 43 давлатдан 300 дан ортиқ киши қатнашган бу йиғилишда шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон Республикалари ҳам Осиё олимпиада кенгашининг аъзолари бўлишгани эълон қилинди. Спортнинг 28 тури бўйича келаси йил кузда Хиросимада ўтказиладиган Осиё ўйинларида спортчиларимиз Афғонистон, Бангладеш, Бутан, Ҳиндистон, Мальдив, Покистон ва Шри-Ланка мамлакатлари ёшлари билан бир гуруҳда баҳслашадилар.

● Табиат ва инсон

### ЎРГИМЧАК ФОЙДАЛИМИ?

**Ўзбекистон Фанлар академиясининг Зоология институтига республика ҳашаротлар оламида йўқолаёзган заҳарли ўргимчак — бий келтирилди. Ўргимчакнинг бу тури 120 йил аввал илк марта топилиб, олимлар томонидан таърифлаб берилган эди.**

Бизнинг минтақада ҳозир ҳам ана шундай ўргимчак яшайдими ёки қирилиб кетганми? Олимларнинг бу саволга жавоб топишлари узоқ давом этди. Ниҳоят Зарафшон тоғи тизмасида бий борлиги аниқланди. Ҳозир институтнинг террариумида ўргимчакни сунъий йўл билан урчитиш услублари тажриба қилиб кўрилмоқда. Бундай ўргимчакнинг заҳари шифобахш хусусиятига эга бўлиб, тиббиёт учун жуда зарурдир.

(Мухбирлар ва ЎзА хабарлари ҳамда хатлар асосида тайёрланди).

**Янгиликлар Воқеалар Хабарлар**

● *«Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигига*




# ЭРК ЙЎЛИДА ЭРКСИЗ КЕТГАНЛАР

## *«Озгина раҳм қилинг, мен ҳам одамман...»*

30-йиллар қатағонликлари гирдобида отилиб кетганлар орасида «Қизил Ўзбекистон»нинг ўша йиллардаги муҳаррири Мўминжон Усмонов ҳам бор эди.

Мўминжон Усмонов 1903 йилда косиб оиласида дунёга келди. Бу даврда Туркистоннинг барча вилоят ва туманлари, шаҳар ва қишлоқларида бўлгани каби Николай каззобларининг оддий меҳнаткаш устидан юргизаётган бешафқат зулми — аёвсиз солиқлар солиш, маҳаллий халқни камситиш каби ўзбошимчаликлари Қўқонда ҳам авж олиб бормоқда эди. Маҳаллий сотқинлар ҳукуматнинг солиқ ҳақидаги ўзбошимчаликларини қўллаб-қувватлабгина қолмай, ҳатто косибчилик билан тирикчилигини зўрға тебратаётганларни ҳам зулукдек сўрмоқда эди. Бундай адолатсизликни кўрган Усмон ота ўз фарзандларини ўқитишни, уларга замонавий сабоқ беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Мўминжон беш ёшга тўлганида ота қўлида эски ёзувимизни бемалол ўқий оладиган бўлиб олади. Ота 1909 йили ўз ўғлини Қўқондаги биринчи босқич эски мактабга берди. Бу ерда машҳур педагог ва мударрислар Ашурали Зоҳирий Муҳаммаджон Холиқий кабилар ёзув, қироат ва ҳисобдан дарс беришарди. Усмон ота ўз ўғлини ана шу аллома муаллимлар қўлига топширади.

— Биз, — деб хотирлайди ҳозир 93 баҳорни қаршилаган, атоқли педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Раҳимжон Отажонов. — Мўминжон билан Қўқондаги рус-тузем мактабида бирга ўқиганмиз. Ундан атиги бир ярим ёш катта эдим. У икки йиллик мактабни битиргач, 1912 йили тузем мактабига келди. Уч йил шу мактабда бирга бўлиб сўнгра Қўқондаги мадрасада ҳам озми-кўпми бирга таълим олганмиз.

Мўминжон табиатан жиддий ва самимий, салмоқланиб гапирувчи, гапирганда ҳам тингловчининг юзига қараб туриб, фикр ифода этувчи маънили инсон эди. Аниқ эсимда: Мўминжон бизлар учун асосий ўқув қўлланмаси саналмиш Сўфи Оллоёрни тўла ёдлаб олганди.

1933 йилнинг 26 июни. «Қизил Ўзбекистон» газетасида Ўзбекистон Жумҳурияти Марказий Ижроия қўмитаси раиси Йўлдош Охунбобоев ва унинг саркотиб ўринбосари Лаковскийнинг имзолари билан Фармон босилиб чиқди. Унда Мўминжон Усмонов Республика Халқ маорифи комиссари этиб тайинланганлиги кўрсатилади. Ва унинг босиб ўтган ҳаёт йўли қуйидагича ихчам баён этилади:

«Мўминжон Усмонов 1903 йилда туғилган. 1919 йилда комсомол сафига кирди: унинг ҳамма ишида фаол иштирок этиб келди ва 1923 йилда комсомол томонидан партияга берилди.

1925 йилдан бошлаб партиянинг турли ишларида ишлаб келди: бошлаб Қўқон шаҳар ер қўмитасининг маданий-тарғибот бўлимининг мудири, кейинчалик ташкилот шўъба мудири бўлиб ишлади.

1926 йилда Москвада ўртоқ Сталин номидаги Коммунистлар дорилфунунига кириб, буни 1930 йилда тамом қилди. Шу йилда Фарғона округ партия қўмитасининг буйро аъзоси ва маданий тарғибот бўлим мудирлигига белгиланди. Ўкруг тугатилгандан кейин, ЎзК(б)П Марказий қўмитасининг маданий тарғибот бўлими мудири муовинлигига тайинланди.

1930 йилдан 1933 йилгача «Қизил Ўзбекистон» газетасининг маъсул муҳаррирлик вазифасини ўтаб келди. Ҳозирги вақтда ўртоқ Усмонов ЎзКомпартия Марказқўмининг аъзоси ва Марказқўм буйро аъзосиға номзод.

Ўзбекистон 4-Шўролар қурултойи томонидан Марказий Ижроқўмга ва Ўзбекистон ҳукуматига аъзо қилиб сайланган».

Кўриб турганингиздек, Усмонов ўша давр ижтимоий ҳаётида нуфузли ўринларда раҳбар сифатида фаолият кўрсатган, агар айтиш жоиз бўлса, Шўро тузумига хизмат қилишни сафдошлари каби аямаган, янги тузумдан кўп яхшиликлар кутган зиёли эди.

Мўминжон Усмонов 1924 йилда дастлаб Москва журналистика институтига — таржима ва таржима назарияси бўлимига ўқишга кириб, у ерда Наим Саид, Саидаҳмад Назиров, Т. Қирғизбоев, Нишонбек Мавлонбеков, Иброҳим Эшонхўжаев, Собира Холдорова кабилар билан бирга ўқиди ва студентларнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашди. У институтнинг иккинчи курсини тугатгач, 1926 йили ёзда Ўзкомпартияси МК котибининг ёзишмасига кўра, у ўқишни Москва Коммунистлар дорилфунунининг маориф ва маданият бўлими 3-курсига кўчиради ва уни юқорида таъкидланганидек, 1930 йилда тугатиб келади.

—Мен Мўминжон Усмоновни жуда яхши биламан, — дея гувоҳлик бера бошлади Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Сулаймон Азимов, — бу ўртоқ жуда ишчан, талабчан, жиддий одам эди. Айниқса, у «Қизил Ўзбекистон»да бош муҳаррир бўлиб ишлаган кезларида матбуот мазмундорлигининг юраги бўлмиш ишчи мухбирларни тарбиялаш, малакали журналистлар етиштириш ишларига катта ҳисса қўшган эди. Мен шу газетага муҳаррирлик қилганимда Мўминжонга ўхшаган ўткир журналистлар анъаналарини давом этирганман.

Мўминжон Усмонов муҳаррирлиги пайтида бутун бошлиқ редакцияда тўққиз нафар журналист ишларди. Бу кўрсаткич «Қизил Ўзбекистон»да ишлаган журналистларнинг энг кўп сонини ташкил этган рақам эди. Дастлабки вақтларда таҳририятда беш нафар, 26-йилларда 7—8 нафардан ортиқ журналист ишлаган эмас эди. Ҳафтасига уч-тўрт марта чиқадиган, ҳатто кези келганда беш марта ҳам чиқадиган ушбу газетани ана шу рақамлар остидаги журналистлар ўз вақтида чиқарар эди.

Мўминжон ака қўлидаги ҳар бир журналист ҳамма бўлим ишларини уддалай оладиган, хат ва хабарларни мукаммал таҳрир қила олиш қобилиятига эга бўлган кадрлар бўлиши керак, деб уқтирарди...

Отахон газета — «Қизил Ўзбекистон»га уч йилга яқин бош муҳаррирлик қилиб, жумҳуриятда сезиларли даражада оммавий ва сиёсий ишларни собит қадамлик билан олиб борган атоқли журналист Мўминжон Усмоновни яхши билган, уни таниган, ҳозир эса булар сони жуда кам қолган зиёлиларни қидираман. «Ўзбекистон овози»да ишлаётган тажрибали ва таниқли журналист Исмоилжон Сулаймонов билан учрашаман. У кишидан Мўминжон Усмоновни тузукроқ биладиган кекса журналистлардан кимлар қолганини сўрайман. Исмоилжон ака ўзиға хос илиқ табассум билан дейди: — Мумтоз Муҳамедов ўша давр журналистларини яхши билади. Чунки бу ўткир журналист ўша 29-йиллар охири ва 30-йилларда кўплаб газета-журналларда ишлаган», дедилар-да, қўлимга у кишининг уй телефонларини бердилар. Бу воқеага ҳам роппа-роса 12 кун бўлди.

Мен ушбу телефон орқали Мумтоз ака билан боғланаман. Тошкентнинг Гоголь кўчасидаги Марказ—1, 13-уйнинг 36-хонасига кириб бораман. Отахон анча оғир ётардилар. Зийрак одам эмасми, бироз суҳбатлашганимиздан сўнг «Ҳайдарали, саволларингизни бераверинг, кучим етганча жавоб қилай» дедилар. Мен бу мўътабар инсоннинг аҳволларини кўриб туриб саволлар беришдан ўзимни тийдим. Аммо ота кўнмадилар.

Гапнинг қисқаси, Мўминжон ака ҳақида қуйидаги маълумотларни ўз майллари билан ихчам айтиб бериб ҳордиқдан чиқдилар.

— Мўминжон Усмоновни 1931 йилдан билардим. У «Қизил Ўзбекистон»нинг муҳаррири эди. Унинг кабинетида анча муддат гурунглашганмиз. Бу одам ўта маданиятли, самимий, ишчи-мухбирларга ғамхўр одам эди. У жумҳурият маорифини ҳам анча муддат бошқарган эди. Бу даврда жумҳуриятда ўндан ортиқ педтехникумлар, ўқитувчилар институтлари ташкил қилганлар. Дарвоқе, ҳаёлимдан кўтарилибди, у киши муҳаррирлиги даврида менинг кўплаб очерк, ҳикоя, шеър ва мақолаларимни шахсан Аъзам Аюп билан Мўминжон ака таҳрир қилиб чиқарардилар...

Мен редакцияга қачон борсам, кўпчилик вақтларда у кишининг кабинетларидан Фитрат, Қосим Сорокин, Чўлпон, Анқабой, Акбар Исломов, Абдулҳай Тожиев кабиларни учратардим... Жойинг жаннатдан бўлгурни 1937 йили юқоридаги ўртоқлар билан олдинма-кейин қамашди. Буларни туркпараст, исломпараст, «Чиғатой гурунги»нинг фаол аъзоси, «Шўронинг душмани» деб отиб ташлашди...

Мен машҳур журналист, таниқли ёзувчи Мумтоз отани кўпроқ гапга тутишни ўзимга эп кўрмадим. Мазкур лўнда ва мантиқли ҳужжат-эсдаликни олдим. Бу нарса мен учун катта бахт, бир олам севинч эди.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай!... Ҳаёт мутлақ эмас экан инсонлар учун!... Бугун борсиз, эртага нима бўлишингизни билмайсиз. Яхшилиқ қил ҳар кима хоҳ они билсун, билмасун», деганларидек ҳаммага эзгу ишларимиз билан яшайлик...

Мана, учрашувимдан борйўғи 12 кун ўтибдики, менга бир олам хотира қолдирган инсон ҳозир орамизда йўқ. Икки ҳафта илгари Мўминжон ака учун « Жойинг жаннатдан бўлгур» деган инсонга қандай тилаклар билдирай! Мен ҳам бу мўътабар инсон, катта қалб ва ҳоксорлик тимсоли бўлган Мумтоз акам руҳи поклари олдида сажда қилиб, жойингиз жаннатдан бўлсин, эй ҳоксор устоз, дейман!

Мўминжон ака шахсияти ва сифатларини аниқлашда давом этаман. Ахийри, Мўминжон аканинг қизлари Манзурахон Мўминовна Усмонова ҳамда у кишининг турмуш ўртоғи Темур Арслонович Валиевни топаман, Манзурахон республика Фанлар академияси Ядро физикаси илмий-тадқиқот институтида лаборатория мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор, Темур ака эса жумҳурият Олий аттестация комиссияси бошқарувида катта бир бўлим бошлиғи, техника фанлари доктори.

Бу икки фан арбоби билан бўлган суҳбатимиз қизигандан қизиб боради. Манзура Мўминовнадан оталари ҳақида эшитган-билганларини сўзлаб беришни ўтинаман. У бироз ўйга толади. Андак дақиқа ўтгач, ўз эсдаликларини баҳам кўра бошлайди:

— Отамни олиб кетишганида жуда ёш бола эдим,— дейди ичи тўла дард билан Манзурахон, — онамнинг бизларга отамиз ҳақида айтиб берганларига қараганда, у киши катта таржимон бўлганлар. Отам машҳур журналист таржимонлар: Наим Саид, Аъзам Аюп ва Санжар Сиддиқлар билан бир сафда сиёсий адабиётларни рус тилидан ўзбекчага ағдарганлар. У киши «Қизил Ўзбекистон»да муҳаррир бўлиб ишлаган кезларида, айниқса, «Ўзбекистон» Давлат нашриёти томонидан топширилган партия ва Шўролар қарор ҳамда ҳужжатларини ўрис тилидан ўзбекчага, кези келганда ўзбек тилидан ўрисчага таржима қилиб берар эканлар. Бу ишлар кўпинча партиянинг топшириғи сифатида жамоатчилик иши тариқасида қилинар экан. Отамни марксизм-ленинизм ва бошқа сиёсий адабиётлар таржимасида хатоликларга йўл қўйганликда, Наим Саид ва Аъзам Аюповлар билан таржималарни атайин бузганликда, қолаверса, маориф соҳасида, ҳатто газета редакциясида миллатчиликни кучайтирганликда айблаб қамашган.

Манзурахон алам билан гапини тугатар экан, Темур Арслон қори ўғли Валиев қайин оталари — Мўминжон ака хусусида билганларини тўкиб соладилар.

— Шу ўринда бир оилавий фактни айтиб қўяй. Қайин онам машҳур журналист, партия ва давлат арбоби даражасидаги Собира Холдорова бўладилар. Манзурахон ўша кишининг фарзанди. Раҳматли онамиз ҳам отамиз билан кетма-кет қамалиб, ўн йил ўтириб келганлар. Онамизнинг ҳикоя қилишларига кўра, ўша пайтда ким Москва таълимини олиб келиб, биронта нуфузли ишда ишлаётган бўлса, уларни Троцкий ва Зиновевнинг думи, деб ёппасига қамай берган экан.

Онам Собира Холдорова вафотидан олдин қатағон бўлганлар ўша оқланган 60-йиллар бошларида отамиз Мўминжоннинг қандайдир йўллар билан 1937йил 10 сентябрда чиқарган ярим бетли хатларини кўрсатган эдилар. Хатнинг мазмуни ҳозир ҳам қулоғим тагида муҳрланиб қолган. Агар адашмасам, унда шундай сўзлар бор эди: «Собирахон, жуда эҳтиёт бўлинг, иложи бўлса зудлик билан Қўқонга кетинг.. Бугун теримни шилиб олишса керак, бир сўзда турибман. Бераҳм одамлар экан, шафқатсиз муомала қилишяпти. Озгина раҳм қилинглар, дедим-у балога қолдим. Бир соатлар олдин Зиё Гимадиев ва Отажон Ҳошимлар билан юзлаштирди. Бахтим бўлса, чиқиб қоларман. Хайр». Шу хатни ҳозир тополмаяпмиз. Онам жуда эҳтиёт қилар эдилар. Ҳа, бу гаплар силсиласида катта маънолар бор. Унга «озгина раҳм қилишмади». Унинг «хоин», «сотқин», «шўроларга қарши», «пантуркист» каби «жиноятлари» учун 1938 йилнинг 4 октябрида отув ҳукми эълон қилинди.

Ҳужжат-асровнинг гувоҳлик беришича, Мўминжон Усмонов «Миллий истиқлол» ва Москвада студентлар орасида Акмал Икромов бошчилигида ташкил этилган «Гап» аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг бошлиқларидан, деб қаралган. Қолаверса, Ўздавнашрдаги таржимонлик ҳамда «Қизил Ўзбекистон»да муҳаррирлик фаолияти давомида Советларга қарши хавфли жиноятлар содир этганликда қораланади. Жумладан, нашриётда сиёсий муҳаррир Собира Холдорова, Наим Саид, С. Валиев, С. Иброҳимов, М. Раҳмонов, А. Аюпов, И. Каримов, И. Мақсумов, Н. Алимуҳамедов, Х. Чинаевалар, таржима гуруҳида адабиётларни сохталаштириб қўпорувчиликни ташкил этган Мўмин Усмонов бўлган, деган «ёрлиқ»лар ҳам унинг шаънига тиркалади. Бу мудҳиш «айб»ларни тиркашда терговчи Березников бош рол ўйнаган эди.

Мўминжон Усмонов ҳаммаси бўлиб 35 йил умр кўрди. 17 йил ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашди. Бу давр ичида у ўзининг ғоявий жиҳатдан мантиқан юксак ранг-баранг мавзулардаги публицистик, маориф соҳасига доир кўплаб методик ва фундаментал мақолалари, халқ хўжалигининг тараққиёти ҳамда маданиятимизнинг ривожига тааллуқли пухта кенг таҳлилдаги нутқлари билан танилди. Матбуотимизни маҳаллий кадрлар билан мустаҳкамлаш ва журналистик маҳоратни ошириш йўлида юракдан меҳнат қилди. У ёзган кўплаб мақолаларда даврнинг долзарб муаммолари лўнда ва ихчам тарзда илғор ғоялар талқинида баён этилди.

Унинг «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1932 йил 22 март сонида босилган «Ишчи-деҳқон мухбирлари—экин учун курашнинг биринчи мавқеига», шу газетанинг 23 март (68-сони) сонида чоп этилган «Партия ишларининг асосий бўғуни», 18 апрелда эълон қилинган «Масаланинг олтин қозиғи», «Маориф ва ўқитувчи»нинг 1929 йил, 11-12-сонида босилган «Маорифимизнинг истиқболи учун» каби мақолалари ўзбек миллий ҳаётида маданий ишларни яхшилаш йўлидаги публицистик ва методик руҳиятдаги асарлар эди.

Журналистнинг 1932 йил июнь ойида Олий Кенгашнинг бўлиб ўтган сессиясида сўзлаган нутқи «Қизил Ўзбекистон»нинг 11 июнь сонида «Меҳнаткашларнинг душманларига ва уларнинг агентларига раҳм-шафқат йўқ» деган сарлавҳа остида бир ярим бет ҳажмда босилиб чиқди. Бунда Олий Кенгаш аъзоси Мўминжон Усмонов жумҳуриятда авж олиб бораётган очарчилик ва чайқовчиликнинг ўзаро таъсири масалаларини кенг таҳлил қилиш билан бирга, чайқовчиликни очиб ташлаш борасида ишчи-деҳқон мухбирлари олиб бораётган ибратли ишлар, жиноятчиларни жазолашда Олий суд фаолияти ҳам атрофлича таҳлил этилади.

У ўзининг «Масъаланинг олтин қозиғи» номли публицистикасида жумҳуриятда авж олаётган очарчиликни йўқотиш, халқни иқтисодий жиҳатдан тўқ қилишнинг асосий калити энг аввало, ғаллачиликни ривожлантириш, сўнгра пахтачиликни ўстириш деб кўрсатди. Мўминжон Усмоновнинг 1931 йил «Ер юзи» ойномасининг 17-18-сонларида «Тошсельмаш 518 лар қаторида ишга киришди» деган очерки босилиб чиқди.

Терговчиларнинг қийноқларига бардош бера олмаган Мўминжон ака «Озгина раҳм қилинг: мен ҳам одамман» деган ёлворишлар умидворлигида ҳаёт билан хайрлашган эди. Агар Мўминжон ака ҳаёт бўлганларида бир йўла икки байрамни—бири ўзларининг 90 ёшликлари, иккинчиси — «Ўзбекистон овози»нинг 75 ёшини нишонлаган бўлардилар.

**Ҳайдарали УЗОҚОВ,**
**Тошкент Кимё-технология институтининг доценти.**

---

● *Акс—садо*

# КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Мен бу газетани 1946 йилдан буён узлуксиз ўқиб келаман. «Ўзбекистон овози» халқимиз ҳаётига сингиб кетган. Дунёга номи маълум бобомиз улуғ инсон ва саркарда Амир Темур тузуклари газета саҳифаларида берилиб халқимизга таништирилди. Менинг фикримча, ёшларни тарбиялашга, ўрнак олишга, бобомизни тузукларининг аҳамияти жуда ҳам каттадир.

«Ўзбекистон овози» газетасини 1993 йил 29 май сонида жуда керакли муаммо кўтарилди. У ҳам бўлса «Жавоҳирлар сандиғи» деган сарлавҳали очеркни ўқидим. Ҳақиқатан ҳам унда халқимиз соғлиги учун жуда зарур масалалар, муаммолар ёритилган. Ҳаммамизга маълумки, ҳозирги кунда касал бўлганлар учун керакли дори-дармон топиш жуда қийин ва топилса ҳам қиммат туради. Улуғ бобомиз Абу Али ибн Сино даврида халқимизни даволаш учун, юртимизда ўсадиган ўсимликлардан тўлиқ фойдаланилган. Нима учун ҳозирги вақтда мана шу ўсимликлардан фойдаланиб, халқимизни даволаш мумкин эмас? Албатта мумкин.

«Ўзбекистон овози» газетасининг яна бир сонида «Улуғларнинг буюклиги» (муаллифи ёзувчи — Мурод Мансур) мақоласи чиқди. Қандай маънолик, кишининг юрагига бориб тегадиган ва таъсир қиладиган, ҳаяжон билан ўқиладиган очерк. Унда ўзбек халқининг ҳақиқатан ҳам буюк олимлари — академиклар Ҳабиб Абдуллаев ва Ғани Мавлоновлар тўғрисида ёзилган.

Бу икки буюк олимларни мен жуда яхши билар эдим, улар билан яқин дўст эдим. Ҳ. М. Абдуллаев буюк олим бўлиши билан бирга катта давлат арбоби ҳам эди. Мен 1946—1948 йилларда қурилиш материаллари саноати вазири эдим. Ҳабиб Муҳамедович Министрлар Совети раиси ўринбосари ва давлат режа комиссияси раиси эди. Ўша йилларида хизмат нуқтаи-назаридан танишиб, Ҳабиб Муҳаммедович билан дўст бўлиб қолдик.

Республикамиз урушдан кейинги қийин йилларида бутун халқимиз қатори Ҳ. М. Абдуллаев ҳам тинмай меҳнат қилиб, катта-катта муаммоларни ҳал қилишда ташаббускорлик кўрсатар эди. Масалан — Оҳангарон кўмир конини очишда, Бекобод металлургия заводини ташкил қилишда, умуман оғир саноатни ривожлантиришда - ўстиришда Ҳ. М. Абдуллаевнинг роли жуда катта эди.

Суҳбатларимизда, илмни ўстиришга, ўзбек олимларини тайёрлашга Ҳ. Абдуллаев жуда кўп фикрларни менга айтар эди. Мен бу давлат арбобини жуда ҳам ҳурматлаб тез-тез учрашиб турар эдим ва ўрганар эдим.

Кунлардан бирида ўзи Фанлар Академиясига ишга ўтишини ва ўрнига мени тавсия қилганини айтиб қолди. Мен жуда ҳаяжонландим. Чунки эндигина 34 ёшга кирган эдим. Лекин Ҳ. М. Абдуллаев қатъий қилиб — «Йўқ, сен эплаб кетасан, мен сенга биринчи даврда ёрдам бериб тураман. Сен Москвада институтда ўқиб, уни аъло даражада битириб, инженер—иқтисодчи бўлиб келгансан (менинг ҳужжатларим билан танишган экан), Усмон Юсупов ва Абдужаббор Абдураҳмоновлар билан мен келишиб олганман», — деб айтдилар.

Шундай қилиб 1948 йилдан бошлаб мен Госпланга раис бўлиб, шу вазифада 25 йил ишладим. Ҳ. М. Абдуллаев академияда вице-президент, кейинроқ президент бўлиб ишладилар. Шу қисқа давр ичида Академияда ишлар гуркираб ривожланиб кетди: аспирантлар, докторантлар тайёрлаш бир неча маротаба кўпайди. Айниқса, миллий кадрларни ўстиришга Ҳабиб Муҳаммедович катта аҳамият берар эди.

Ғани ака Мавлоновни олсак — улар ҳам жуда ажойиб олим эдилар. Масалан, 1976 йилда мен Америкада бўлганимда, университетда профессорлар билан учрашганимда биринчи навбатда Ғани Мавлоновнинг соғлигини, ишларини сўрашиб, унга жуда катта баҳо бердилар.

Ўша даврдаги баъзи ишларни мен кўп таассуф билан эслайман. Чунки бу икки буюк академикларнинг қадрларига етиш ўрнига, ҳар хил ғийбат гаплар билан уларни руҳан жуда ҳам эзишгани ёдимдан чиқмайди.

Адолатсизликни қарангки, бу икки буюк олим — академиклар жон куйдириб, республикамиз истиқболи учун ва халқимизни фаровон турмушда яшасин, илми, маданияти ошсин деб яхши ниятлар билан тинмай ҳалол меҳнат қилар эдилар. Уларни ноҳақ, ҳар-хил бўҳтон айблар билан қоралаб, руҳан эзишар эди. Виждони соф, ҳалол одам бунга чидай олмайди. Шунинг учун Ҳ. М. Абдуллаев 50 ёшга етар-етмас дунёдан кўз юмди. Ғани Мавлонов ҳам бу адолатсизликка чидолмай, бевақт вафот этди.

Афсуски, бундан руҳан қийналганлар кам эмас эди. Фалакнинг гардиши айланишини қаранг — ҳозирги мустақиллик даврида, унинг натижасида ,олимларга ер бериб «дала ҳовли қуринглар» деб жуда тўғри айтиляпти. Мен ҳам ўша даврларда кўп қийинчиликларни бошимдан кечириб, ҳозирги озодлик даврига етиб келганимга ,худога шукрлар қиламан ва беҳад хурсандман. Ҳозирги даврнинг қадрига етишимиз керак. Бутун халқимиз, айниқса, ёшлар шунга шукрлар қилиши керак ва ҳалол меҳнат қилишлари зарурдир.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоасига шундай қизиқарли мақолалар ёзиб халқимизга етказганлари учун ўз қалбимдан ташаккурлар этаман. Чунки мустақил давлатимиз меҳнатсевар ўзбек халқи билан, атоқли олимлари билан бой бўлиб, буюк ва илғор давлатлар сафидан жой олишига ишончим комилдир.

**Саидкарим ЗИЁДУЛЛАЕВ,**
**академик.**

---

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

# ХАЛҚАРО КЎЗГУ

### ОҚ УЙ БАЁНОТИ

● **ВАШИНГТОН. Оқ уй матбуот котибининг девонхонаси Россиядаги сайлов муносабати билан баёнот тарқатди.**

Унда Америка Қўшма Штатлари Россия ҳукумати ва халқини демократик тизим йўлида ташланган дастлабки ҳамда тарихий одим билан қутлайди. Бундан ташқари, ҳужжатда американиклар демократия ва иқтисодий ислоҳотларнинг доимий тарафдори экани қайд этилган.

### ЭРОН ҲАМКОРЛИК ТАРАФДОРИ

● **ТЕҲРОН. Эрон Президенти Али Акбар Ҳошимий-Рафсанжоний Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги сафидаги барча мамлакатлар билан ўзаро ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканини айтди.**

Эрон миллий ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Президент Эрон Ислом Республикасининг Ҳамдўстлик давлатларидаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари қатнашган анжуманда сўзга чиқиб, МДҲ сафидаги барча мамлакатлар билан муносабатларни равнақ топтириш юзасидан Эрон дипломатларига аниқ кўрсатмалар берди.

Шунингдек, учрашувда Ҳошимий-Рафсанжонийнинг Марказий Осиё республикалари ва Озарбойжонга яқинда қилган сафари чоғида ҳамкорлик борасида имзоланган битимларни амалга татбиқ этиш зарурлиги таъкидланди.

### ШАРТНОМАНИ БУЗИШДА АЙБЛАНЯПТИ

● **ПХЕНЬЯН. КХДР Америка Қўшма Штатлари Корея ярим оролидаги ядро муаммосининг узил-кесил ҳал этилишидан манфаатдор эмас, деб ҳисоблайди. Мазкур мамлакат ташқи ишлар вазирлиги вакилининг Пхеньянда чоп этилган баёнотида шу ҳақда гап боради.**

Унда Қўшма Штатлар бу муаммони атайин чўзиб келаётганлиги таъкидланади, Вашингтон КХДН ва АҚШ ўртасидаги шартномани бузишда, шунингдек, «Шимолий Корея ядро муаммоси»дан ғаразли сиёсий мақсади йўлида фойдаланаётганликда айбланади.

### КОМИССИЯ ИШИДА ҚАТНАШДИ

● **МОСКВА. Америка Қўшма Штатлари вице-президенти Альберт Гор амалий ташриф билан Москвага келди, деб хабар беради РАТА—ТАСС мухбири.**

У АҚШ ва Россия Президентларининг Ванкувердаги келишувлари асосида тузилган Россия—Америка иқтисодий-технологик ҳамкорлик комиссияси ишида қатнашади. Маълумки, Альберт Гор билан Россия Бош вазири Виктор Черномирдин мазкур ташкилотнинг ҳамраислари ҳисобланишади.

АҚШ вице-президентининг Россия Президенти Борис Ельцин билан учрашуви ҳам режалаштирилган. Унда ўзаро ҳамкорлик ва халқаро муаммолар тўғрисидаги масалалар билан бирга, кутилаётган олий даражадаги Россия—Америка учрашувининг баъзи жиҳатлари муҳокама қилинади.

### МАЪНАВИЯТ АКАДЕМИЯСИ

● **ТБИЛИСИ. Тбилисида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ўзаро муносабатларни тадқиқ этувчи халқаро марказ таъсис этилди.**

Унинг асосий вазифаларидан бири мағриб ва машриқнинг маданияти ҳамда тараққиётини, урф-одатлари, миллий ва диний анъаналарини ўрганишдан иборат. Марказ президенти этиб Эдуард Шеварднадзе сайланди. Грузиянинг шарқшунослик институти, Тбилиси дорилфунуни, Фалсафа ва психология институтлари ҳамда маънавият академияси янги ташкилотнинг таъсисчилари бўлди.

### ХАБАР АГЕНТЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ

● **Кипр турк жумҳуриятида фаолият олиб бораётган турк агентлиги — Кипр (ТАК) 21 декабрда ўзининг 20 йиллигини нишонлайди.**

У Кипрдаги туркларни жаҳон ва мамлакат янгиликларидан хабардор этиш мақсадида таъсис қилинганди.

### ОЗАРБОЙЖОНДАГИ ТЎҚНАШУВЛАР

● **Озарбойжон Мудофаа вазирлигининг маълумотига қараганда, арман кучлари ўтган ҳафта сўнгида жанговар ҳаракатларни тўхтатиш ҳақидаги келишувни бузиб, Озарбойжоннинг уч қишлоғини эгаллаган.**

Жонқули, Бейтепа, Қорагултепа номли қишлоқларга ҳужум жараёнида анчагина киши ҳалок бўлган, уйлар ёндирилган.

Вазирликнинг билдиришича, душанба куни Озарбойжон кучлари ўша қишлоқларни қайта қўлга киритганлар.

### ТУРКИЙ РЕСПУБЛИКАЛАРГА ЁРДАМ

● **Халқаро Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти Озарбойжонни ҳам кўмак бериладиган мамлакатлар қаторига киритди.**

Эндиликда, барча туркий республикалар бу ташкилот кўмагидан баҳраманд бўлади. Ўз навбатида Озарбойжон ҳам ташкилотнинг молиявий ва техника соҳасидаги кўмаги ҳамда дастурларидан фойдаланиши мумкин.

18-22 декабрь кунлари Анталё шаҳрида ана шу халқаро ташкилотга аъзо бўлган мамлакатлар билан туркий республикалар Молия ва Иқтисодиёт вазирларининг кенгаши бўлиб ўтади. Унда бу республикаларнинг молиявий эҳтиёжлари, кўрсатиладиган ёрдам ҳажми ва муддатлари белгиланади.

### ПАРТИЯГА ЯГОНА РАҲБАР САЙЛАНДИ

● **Бош вазир Беназир Бхутто Покистон халқ партияси раиси этиб сайланди.**

Бош вазир ҳозиргача онаси Нусрат Бхутто билан Покистон халқ партиясининг ҳамраиси ҳисобланар эди. ПХП Марказий ижроия қўмитаси ҳозирги шароитда партияга раҳбарлик ягона киши томонидан амалга оширилишини маъқул деб топди.

**(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).**

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

